SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Jild 3, Son S/8
2023

ISSN: 2181-1342 (Online)
Сайт: https://scienceproblems.uz
DOI: 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: sciencepoblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

**М У Н Д А Р И Ж А**

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ


*Намазова Умида Нормуродовна*
ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ)........ 10-15

*Эрназаров Туйгун Раджабович*
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ........ 16-21

*Хужаниязов Уктам Ешбаевич*
“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ ........ 22-27

*Шаимкулов Азамат Холмуратович*
ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ ........ 28-38

*Муродов Ҳалим Салимович*
ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР........ 39-46

*Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН ........ 47-51

*Shonazarova Nargiza*
TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR ........ 52-57

*Axmadova Nafisa Axmad qizi*
OʻZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI ........ 58-64

*Qodirova Ra’no Mamirjonovna*
OʻZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING OʻQITILISHI ........ 65-70

*Yunusxoʻjayev Habibulla Zafar gʻoʻli*
SHARQDA KUCHLI IJTIMOIY HIMOYA TIZIMI TARIXI ........ 71-75

*Нарбеков Абдикамил*
НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ........ 76-80

*Alimova Gʻunchaxon Baxadirovna*
JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA ........ 81-85

*Jumanazarova Fotima*
XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI ........ 68-93


## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


*Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich*
PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW ........ 94-100

*Hamrayev Amirzoda*
ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KOʻRSATUVCHI TASHKILOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI ........................................................................................ 101-109

*Хайтбоева Нигора Бакмататовна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ .......................... 110-119

*Xalilov Qahramon Qurbonboyevich*
MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI........................................................................................ 120-132

*Махмудов Турсунпулат Давронович*
ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ............... 133-144

*Ishchanova Salomat*
KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING Oʻ RNI........................................................................................ 145-150

*Мўйдинова Зилола Вохид қизи*
ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА “АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ҲАРАКАТИ” МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ........................................................................................ 151-158

*Samandarov Oʻgabek, Ismoilov Shohjahon*
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING OʻZIGA XOS JIHATLARI ............... 159-164

### 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Саидова Камола Усканбаевна*
ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ ........................................................................................ 165-173

*Omonturdiyev Orzu Gʻafforovich*
INSONNING MA’NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI ........................................................................................ 174-179

*Очилова Гузаль Араловна*
ЮКСАК МАЪНАВИЯТ–МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ........................................................................................ 180-185

*Nurmatova Umida Jalolidinovna*
MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA’LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI........................ 186-192

*Vafayeva Dilafruz Artikovna*
AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIY TA’LIMOTIDA MA’NAVIY BARKAMOLLIK........................ 193-198

*Karimov Zafarbek Ataboyevich*
IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEXANIZMLARINING SOGʻLOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI........................................................................................ 199-202

*Bozorova Roʻzigul Sharofovna*
MEHRSIZLIK HODISASINI KELTIRIB CHIQARUVCHI OMILLAR ........................................ 203-212

*Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna*
DINIY MANBALARDA IJTIMOIY HAMKORLIK OʻOYALARI ........................................ 213-218

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*
TASAVVUF FALSAFASIDA GOʻZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI ........................................ 219-224

*Dehqonov Behzod Baxtityorovich*
YANGI O‘ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG‘RIKENGLIK G‘OYALARINI O‘RNI VA AHAMIYATI ........................................225-230

*Abdullayeva Firuza Sharipovna*
NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI ........................231-236

*Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich*
SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING “AVORIF UL -MAORIF” ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G‘OYALAR ........................................237-243

*Ибрагимов Солижон Эргашович*
АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДИ........................................244-251

## *10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*

*Qodirova Mukaddas Tog‘ayena*
BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI........................................252-257

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanovich*
DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE ........................................258-265

*Hamroyeva Sharifa Shukur qizi*
TARJIMADA MILLIY SO‘ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING “NAVOIY” ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA) ........................................266-271

*Olimova Gulfiza Muradullayevna*
BADIIY SAN’AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO‘LLANILISHI....................272-281

*Айниддинов Иқрориддин Шарифович*
АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ........................................282-287

*Turaeva Dilfuza Daminovna*
O‘ZBEK TILIDA OBRAZLI SO‘ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI ........................288-295

*Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna*
LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO‘LISHI........................................296-305

*Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli*
LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES ........................................306-311

*Isroilova Manzura Jamolovna*
FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING KOMMUNIKATIV TA`SIRI XUSUSIDA ........................................312-317

*Шамақсудова Саодат Хидоятовна*
МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР........................................318-324

*Шатова Ирина Юрьевна*
ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ ........................................325-330

*Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna*
FRAZEOLOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI ........................................331-335

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*
KOʻP MAʻNOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI ........................................336-340

*Турниязова Шахноза Нигматовна*
МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ..................................341-347

*Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich*
INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI ..........................................348-352

*Aminova Dilnoza Xikmatullayevna*
THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY ..........................................................................................353-358

***12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР***

*Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ ..........................................................................................359-365

*Mamataliyev Toʻlqin Xushmamat oʻgʻli*
OʻZBEKISTONDA MASOFAVIY TAʼLIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI ..........366-378

***13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***

*Saidov Jur'at Sodirovich*
MAKTABGACHA TAʼLIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING OʻZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..........................................................................379-384

*Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,*
TEXNIK OLIY OʻQUV YURTLARIDA OOʻZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI ..........................................................................................385-390

*Таджиходжаева Эльвира Рашидовна*
ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ ..........................................................................................391-396

*Тўрахонова Барно Турсунбой кизи*
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ..........................................397-406

*Ashurova Sitora Erkinovna*
USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION ..........................................407-412

*Каримжонова Мунаввар Ибрагимовна*
ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида)..........................................................................................413-421

*Xamirayev Rustam Abdirazakovich*
VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH ..........................................................................................422-426

*Хашимова Масуда Камилжановна*
КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК ..........................................................................................427-435

*Бердикулова Насиба Эркинжоновна*
СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ ..........................................................................................436-442

*Saidnazarova Gulshan Bolta qizi*
AL-BUXORIYNING MA’NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O‘RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA ........................................443-448

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/8 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*11.00.00–Филология фанлари*

**Шамақсудова Саодат Хидоятовна**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: saodat.xidoyatovna@gmail.com

## МАССМЕДИА АСПЕКТИНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

**Аннотация.** Мақолада массмедиа аспектининг медиаматн шаклига келишидаги ўзига хослиги, медиаматнларнинг турли маъновий кодларни (лисоний ва нолисоний) ягона коммуникатив муҳитга бирлаштириши, медиаматн маълум коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий ва лисоний хатти-ҳаракатни мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нуқтий ҳодиса эканлиги очиб берилган. Шунингдек, массмедиавийликнинг асосий тамойиллари кўрсатилган.

**Калит сўзлар**: массмедиа, медиаолам, медиаматн, медиадискурс, коммуникатор, адресат.

**Shamaksudova Saodat Khidoyatovna**
Journalism and Mass Communication
University of Uzbekistan
Doctor of Philosophy (PhD) in Philology, docent

## FEATURES OF TRANSFORMING THE MASS MEDIA ASPECT INTO MEDIA TEXT

**Annotation.** The article examines the uniqueness of the media aspect in the form of a media text, the integration of different semantic codes (linguistic and paralinguistic) of media texts in a single communicative environment. Media text is presented as a type, situation and sphere of communication. The purpose of the author of the article is to define communicative activity. The article reveals that a media text is an event that organizes a component of the semantic and syntactic intellectual linguistic lines of communicative activity, and also shows the basic principles of mass media.

**Key words:** mass media, media world, media text, media discourse, communicator, addressee.

**Шамаксудова Саодат Хидоятовна**
Университет Журналистики
и массовых коммуникаций Узбекистана
доктор философии по филологии (PhD), доцент

## ОСОБЕННОСТИ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ АСПЕКТА МАССМЕДИЯ В МЕДИАТЕКСТ

**Аннотация.** В статье рассматривается своеобразие аспекта СМИ в форме медиатекста, интеграция разных смысловых кодов (лингвистических и паралингвистических) медиатекстов в единой коммуникативной среде. Медиатекст подаётся как тип, ситуация и сфера общения. Целью автора статьи является определение коммуникативной деятельности. В статье раскрыто что, медиатекст является событием, которое упорядочивает составляющаю часть семантических и синтактических

интеллектуальных языковых линий коммуникативной деятельности, а также показаны основные принципы массмедиа.

**Ключевые слова:** массмедиа, медиамир, медиатекст, медиадискурс, коммуникатор, адресат.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N44

**Кириш**

Маълумки, замонавий медиаоламда асосий фикр ифодалаш воситаси медиаматн бўлиб, уни юзага келтиришда бир қанча қоида ва талабларга риоя этиш керак бўлади.

Замонавий медиасферанинг ривожланиши сабабли Интернет ва ОАВларга нафақат мулоқот воситаси, балки умумий фикрни монипуляция қилувчи восита сифатида қаралмоқда. Ушбу воситаларда фикр ифодалаш жараёни асосан тил воситалари яъни медиаматн орқали амалга оширилади.

Оммавий мулоқотнинг муамоммолари хилма-хил бўлиб, улардан энг асосийси - массмедиа аспектининг медиаматн шаклига келишидаги ўзига хослигидир.

**Усуллар ва манбалар**

Массмедиа аспектининг медиаматн шаклига келишидаги ўзига хосликлар ҳақидаги назарий қарашлар Ж.Мамедов, Э.Оручов, С.Исаев, А.Бобоева, Ш.Абдураимова, А.Абдусаидов, А.Шомақсудов, И.Тошалиев, Қ.Ирназаров, Г.Бакиева, Д.Тешабаева, М.Исраил, П.Алламбергенова, Б.Дўстқораев, М.Худойқулов, Я.Маматова, С.Арифханова, А.Нурматов, Н.Тошпўлатова, Н.Муратова каби журналист ва филолог-олимларнинг тадқиқотларида илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

МДҲ давлатларида медиаматнларни ўрганишга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. В.Костомаров, Г.Солганик, Д.Розенталь, Э.Алиева, Ю.Антонова, М.Желтухина, И.Жуков, Е.Покровская, Т.Добросклонская, М.Дускаева, М.Бахтин, Г.Винокур, М.Володина, И.Гальперинлар тадқиқотларида оммавий ахборот воситалари тили ва услуби ўрганилган.

Ғарблик мутахассислар Лаурен Кесслер, Данкан Макдоналд, Колин Макфарлейн, Х.Джонс, Силвия Жаворска, Эрҳан Аслан, Назми Авчи, С.Озеркан, Й.Юрдигуллар тадқиқотларида медиаматнларнинг тил хусусиятлари, жанрий-услубий жиҳатлари, массмедиа аспектида медиаматнларнинг юзага келиш қоидаларини илмий-назарий ўрганишга эътибор қаратилган.

Илмий мақола мавзусини ёритишда назарий (таҳлилий-синтетик, таркибий-типологик, контент-таҳлил), қиёсий, таснифлаш ва тавсифлаш усулларидан фойдаланилди.

**Натижалар**

Оммавий мулоқот ижтимоий-мафкуравий, маънавий-маърифий қийматли ахборотни миқдоран катта ижтимоий тоифаланган, ҳудудан тарқоқ аудиторияга баҳоланган, шархланган, таъсир қиладиган шаклда оммабоп, ҳаммабоп услубда, техник воситалар орқали бир томонлама йўналишда тарқатиш жараёни (тури) ҳамда бу жараённинг маҳсулидир. Бу жараён психолингвистик жиҳатдан ахборотни тил ифодасига (нутққа, матнга) кўчириш ва уни қабул қилиш, тушуниш, фаҳмлаш босқичларидан иборат. Биринчи босқич коммуникатор (таҳририят жамоаси) фаолиятига, иккинчи босқич адресат (ўқувчи, тингловчи ёки томошабин) муносабатига дахлдор [1; 49]. Бунда мулоқот воситаси медиаматн ҳисобланади.

Медиаматннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у турли маъновий кодларни (лисоний ва нолисоний) ягона коммуникатив муҳитга бирлаштиради. Мисол учун, анъанавий газета нашрларида бугунги кунда ҳам фотосуратлар, жадваллар, график ва шрифт дизайни ишлатилади. Шунингдек, Г.Я. Засурскийнинг фикрича: "Бугунги кунда медиаматн тушунчаси матндан кўра кенгроқ маънога эга. У матнни янада кўп қиррали ва аниқроқ қилиш учун ишлатиладиган графикалар, овозли ифодалар ва унинг кўриб чиқилаётган объекти билан алоқаларини ҳам ўз ичига олади. Медиаматн машҳур универсал хусусиятларга эга бўлади. Медиаматнларнинг ўзига хослиги шундаки, у турли медиа тузилмалар таркибига киритилиши мумкин" [2; 5].

Медиаматн маълум коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий ва лисоний хатти-ҳаракатни мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нуқтий ҳодиса. Медиаматнни таркиблашда муаллиф уни талқин этиш ҳамда тушуниш йўллари ва усулларини ҳам ҳисобга олади. Ахборот матни ўқувчи учун осон ва қулай бўлган талқин усулига мувофиқлаштирилади. Матбуотда бу журналистдан алоҳида масъулиятни талаб қилади. Чунки бу жараёнда фақат грамматика қонун-қоидаларигина эмас алоқа вазияти мақсади ва мазмунининг фаҳмланиш имкониятларига ҳам амал қилинади. Матн яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган ижодий жараёндир. Бундан ташқари медиаматн таҳрир қилинган ахборотдир. Чунки унинг мукаммаллиги муҳаррирнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳар қандай ижодий адабий ва илмий ижодий фаолият матн яратиш, матнни қайта ишлаш, тузатиш, мукаммаллаштириш жараёнини четлаб ўта олмайди.

Матн яратишнинг, айниқса, уни таркиблаш ва тартиблашнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд. Муаллиф, энг аввало, матнни ўқувчи (аудитория) эҳтиёжидан келиб чиқиб ахборотннинг асоси ва қўламини ва уни ифодалаш усулини танлайди, нашр тури талабаларини ҳисобга олади. Шунга мувофиқ у оғзаки нутқ қурилиши, ёзма-босма нутқ қурилиши ёки ҳар иккаласидан аралаш фойдаланиш тамойилларига мурожаат қилади.

Матн қурилиши алоқавий-фикрий тадрижийлик (динамика) ва фаҳмлаш (декодлаш) қонун-қоидалариги мувофиқ тузилади. Алоқа жараёнида тилдаги барқарор андозалар, маъромли тузилмалар турли ўзгаришларга учрайди, қайта таркибланади. Матн тилдаги қоидалар тизимидан кўра ахборот узатиш ва уни тушуниш нуқтаи назаридан келиб чиқиб тузилади [3; 16].

Медиаматнларнинг конвергент характеристикаси (тавсифи) мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- Кўпқиррали – турли бирликлар (нолисоний, визуал, аудит(овозли), аудиовизуал)нинг бирикуви (комбинацияси);
- Ижтимоий-доимийлик табиати – медиаматннинг шахсда олам тасвирини шакллантириш хусусияти;
- Махсус тил қўшилмалари.

Медиаматннинг ички талаблари унинг сўзлашувга очиқлигидадир. Сўзлашув нутқи поэтик (эстетик) йўналишдаги таъсирчан унсурлардан иборат. Ўқувчига таъсир этиш – муаллиф сўзини диалоглаштиришга имкон беради. Диалоглаштирилган

медиаматнда адресатнинг роли фаоллашади. Бошқа инсонга мурожаат қилиш юзага келади.

Замонавий медиаматнни яратиш мураккаб жараён бўлиб, гапирувчи (адресант) ва эшитувчи (адресат)ни ўз ичига олган мураккаб коммуникация воситасидир. Мулоқот жараёнида адресатга қулайлик яратиш мақсадида адресант ўзининг тил хусусиятларини бузиши мумкин. Бу конвергенцияга матн коммуникативлигининг ҳамма қирралари кириши мумкин.

Аудитория (адресат, реципиет) жамлама тушунча бўлиб, журналистикада газета, радио ёки теледастурлар билан кўпдан бери алоқа боғланган, муайян ахборот турини ёки канални истеъмол қилувчилар (истеъмол аҳли)га айланган ўқувчилар, тингловчилар ёки томошабинлар йиғиндисини билдиради. Бу тарздаги тахминий эҳтимолий жамлаш миқдоран ўзгариб туради ва ҳар доим кўзда тутилганидан ортиқроқ бўлади. (Газета ўқувчилари унинг нашр нусхасидан кўпроқдир).

Аудитория таркибан хилма–хил бўлишидан қатъий назар, маълум умумий белгиларига кўра муайян гуруҳни ташкил этувчи бир бутунлик сифатида тасаввур этилади. Масалан, мамлакатимиздаги барча деҳқонларни, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи аҳолини “Қишлоқ ҳаёти” газетасининг муштарийлари сифатида қараш мумкин. Лекин бунда аён ва эҳтимолий имкониятли аудитория, доимий ва ўзгарувчан аудитория ёки фаол ва суст аудитория турлари фарқланади. Аудиториянинг бу хилдаги туркумланиши ҳақида жиддий социологик тадқиқотлар асосидагина нисбатан аниқ бир хулоса чиқариш мумкин.

Аудитория ҳақидаги билим, тасаввур журналист ижодий кайфияти ва йўналишини белгилашга, факт тўплаш, уни қайта ишлашга, истеъмол аҳли билан алоқа боғлашга ёрдам беради. Аудитория ҳақидаги маълумот, ўқувчи ёки тингловчининг умумлашган тимсоли тасаввури журналистик асарнинг мақсадини шакллантиради, унинг ифода усулини, баён тарзини белгилаб беради. Аудитория (адресат) ахборотни сайлаб танлаш, ижтимоий фаҳмлаш ва хотирада сақлаш, мақсадини аниқ нишонга йўллаш жараёнидаги муҳим омил ҳисобланади журналистика назариясига оид ишларда “адресат омили”, “аудитория тимсоли” тушунчалари кенг қўлланилади. Чунки аудитория жамиятни оммавий ахборот воситалари ёрдамида бошқаришнинг фаол иштирокчиси саналади [1; 65].

Кейинги йилларда журналистикада ихтисослашувга кенг аҳамият бериляпти. Бундай ҳол аудиторияни белгилаш учун жуда қўл келмоқда. Газета-журналлар, теле ва радиоканалларнинг маълум соҳага ихтисослашуви натижасида аудитория тасаввури реаллашди. Бу эса самарали ижод қилишга катта ёрдам беради.

**Муҳокамалар**

Медиамаҳсулотларнинг ўзига хослиги анъанавий асарларнинг мақомини ўзгариши ва атрофидаги ташқи муҳит шароитларига боғлиқдир. Шунинг учун медиаматнларнинг ўзига хослиги ташқи омилларга боғлиқ. Уларга:

- бир марталик, ахборотнинг такрорланмаслиги;
- медиаматнлар жамоа маҳсули эканлиги;
- бавосита мулоқот ва қайтиш алоқасининг ўзига хослиги;
- техник воситалар орқали ахборт узатилиши;

- нашрнинг мазмун-моҳиятини белгилаш ва унинг техник ҳамда таркибига таъсир кўрсатадиган иқтисодий омиллар киради.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари матннинг лингвоформат хусусиятларига таъсир қиладиган бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади. Шундай қилиб, босма оммавий ахборот воситалари (газета ва журналлар) график дизайн ва иллюстрациялари билан, радио матнлар овоз ва мусиқа, шовқин иштироки билан, телевизион матн вербиал ва аудио воситалар билан ажралиб туради. Шунинг учун кейинги йилларда “нашр формати” деган тушунча пайдо бўлди. Яъни у ёки бу ахборотни танлаш, расмийлаштириш ва узатишнинг бир қатор ўлчовлари юзага келди. Матбуот матнларининг такрорланмаслиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бугунги кунда ахборот ҳақиқатан ҳам бир неча соат ичида эскирмоқда. У бир марта қабул қилинади ва газета ёки журналнинг кейинги сони нашрида чоп этилиши ўринли бўлмайди, ахборот эскиради, долзарблиги йўқолади. Радио ва телевидение ахборотнинг энг тезкор ахборот манбаи бўлиб, янгиликлар ҳар соатда эфирга узатилмоқда ва Интернетда эса ахборот кунига 24 соат давомида берилмоқда.

Бугунги кунда массмедиа жамият ҳаётида нафақат мавжуд бўлиб қолмай, балки барча субъектларнинг коммуникация жараёнларини керакли даражада олиб боришларини таъминлаб бермоқда. Массмедиа ижтимоий муҳитнинг инфратузилмасини шакллантирувчи компоненти бўлибгина қолмай, барча ижтимоий жараёнлар маданий тус оладиган, ижтимоий бир хил (айнан, мос) моделлар юзага келадиган, жамоатчиликнинг доминант фикр ва мафкуравий векторлари шаклланадиган, ўз мавқеига эга контекстга айланди.

Массмедиа ҳозирги замонда ҳар қандай фикр ва қарашларни қўллаб-қувватлайди ва шу билан биргаликда уларни ўз ишлаб чиқариш жараёни, ададлаштириш ва маълумотни тарқалиши қоидаларига бўйсиндиради. Шундай қилиб, медиаматн фикрларнинг турли шаклларини бирлаштиради. Медиаматн моҳияти унинг расмий ва мазмунли шаклда оммавий алоқа контекстларини узатиб бериш имкониятига эга бўлишида кўринади, унинг параметрлари массмедиавийлик тушунчасида акс этади.

Массмедиавийликни тушунишда (массмедиа шаклидаги диалектика, замонавий медиаматннинг интегратив сифати) оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий амалиёти энг муҳим тўртта импульсни қамраб олишини назарда тутиш керак:

1) технология;

2) амалдаги ижтимоий контекст;

3) ижтимоий йўналтирилган маълумот;

4) катта ижтимоий аудитория.

Массмедиавийликнинг асосий тамойиллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Технологик тамойил – медиаплатформаларнинг техник хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, улар ахборий маҳсулотни ишлаб чиқариш, ёзиб олиш ва етказиш усулларини белгилаб беради;

2. Мавжуд контекст тамойили - ахборот маҳсулоти ва долзарб оммавий жараёнларни мустаҳкам алоқасини шакллантиради;

3. Адад (тираж) тамойили - бир вақтнинг ўзида асл матнни кўп нусҳада бўлишини ва унинг кўпвариантлилигини таъминлаб беради.

4. Аудитория тамойили орқали омма ҳаётидаги фактлар аудиториянинг билими, тили ва эҳтиёжига, шу жумладан алоқа ва технологик афзалликларига, муайян турдаги оммавий ахборот воситаларига мойиллигига қараб мослашади.

5. Такрорлаш тамойили берилаётган маълумотни аудитория назаридан четда қолмаслигини таъминлаб беради ва аудитория эътиборини узатилаётган ахборотга узоқ муддат жалб этишини таъминлайди. Медиаматннинг замонавий маданиятдаги моҳияти (муҳимлиги) унинг оммавий қайта жонланиши билан таъминланади.

6. Вақт потенциалини ошириш тамойили. Мунтазам ривожланаётган замонавий жамиятда ахборот ишлаб чиқариш саноати билан боғлиқдир. Бу жараён содда, тежамкор (жумладан, вақтни тежаш) технологияларини талаб қилади. Бунда асосий ролни рерайтинг – тайёр матн (қолип) асосида матн яратиш технологияси ва уларни трансформацияси (қайта ишланиши) бажаради

7. Оммалаштириш (реклама қилиш) қилиш тамойили. Бу тамойил нафақат ахборот алмашинишига, балки аудиторияни кенгайтиришга олиб келадиган янги манбааларни топишга, янги истеъмолчиларни жалб этишга ёрдам беради. Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида маълумот узатиш “кўчада бонг уруш” усулидан “Интернетда клик босиш”гача ўзгарди.

8. Интертекстуаллик тамойили. Массмедиа интертекстуаллигининг ўзига хослиги шундаки, оммавий ахборот воситалари амалиёти доирасида мавжуд ва потенциал матнлар билан аввалги алоқалар ўртасидаги семантик алоқаларни ўрнатиш маданий анъаналарнинг чуқурлашиши ва маданий-тарихий хотирани юзага келтириш билангина эмас, балки замонавийликнинг ижтимоий контекстини ривожлантириш билан боғлиқ.

9. Мультимедиавийлик тамойили. Бу тамойил бир матн ичида манбаларни юзага келтирувчи маъновий код ва воситалари (сўз, сурат, графика, расм, товуш, анимация, тасвир) ва бошқаларнинг уйғунлиги. Уларнинг ҳамкорлиги аудиториянинг ахборотни тўлиқ қабул қилишига қаратилган.

10. Интерфаоллик тамойили. Замонавий ахборот коммуникатив технологиялар орқали медиаматн янги, интерфаол форматга эга бўлади. Бу форматнинг асосий мақсади аудиторияга маълумотни тўғридан-тўғри ва турли вариантларда олиш ва ушбу маълумотларга ўз муносабатини ёзма тарзда қолдириш имкониятини беради.

**Хулосалар**

Демак, массмедиалик (массмедиа шаклидаги диалектика) матн сифатини намоён этиб, фикр ифодалашнинг бошқа шакллари орасида уни алоҳида ўринга эга бўлишини таъминлайди. Бу массмедианинг ижтимоий тажрибадаги алоҳида хусусиятларини белгилаб беради.

Массмедиалик медиаматнларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бошқа параметрларда ҳам ўз аксини топади, уларни илмий тадқиқ этиш ҳозиргача давом этмоқда. Оммавий мулоқотдаги нутқий фикрлаш жараёнлари муаммолари тўғрисидаги дискуссиялар ҳали вери поёнига етмайди. Чунки массмедианинг инсон ҳаётидаги ўрни ва уни инсонни жалб этишдаги усуллари ҳам хилма-хил – мобиллик, эркинлик, хокимлик, муваффақият, глобаллашув, хилма-хиллик, ўзига хослик, тезкорлик, мослашувчанлик, интерфаоллик, барчага қулайлик, таъсирчанлик, визуализациялаштирилганлик ва сторителлинг.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. Тошалиев, И., Абдусатторов, Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. –Т.: Университет. 2006.
2. Засурский Я.Н. Медиатекст в контексте конвергенции. // Вестник МГУ. Серия 10. Журналистика, 2005. №2.
3. Шомақсудова С., Исраил, М. ОАВда ёзма матн. Нутқ ва мунозара. –Т.: Иқтисод-молия. 2018.
4. Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тили. – Т.: O'zkitobsavdonashriyot. 2020.
5. Добросклонская Т.Г. Язык средств массовой информации. –М.: КДУ, Добросвет, 2018. URL: https:// bookonlime.ru/node/509/
6. Современный медиатекст: учебное пособие. // Отв. ред. Н.А. Кузьмина. – Омск, Полиграфический центр Татьяна, 2011.
7. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: 1991.
8. Xarris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. -№13.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V3SI8Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/8 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).